

ЖАМЖ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 21 август шанба
Сотувда эркин нархда № 165 (2203)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 август куни Оқсарой қароргоҳида Саудия Арабистони Пошхоқиди савдо вазири Усама Жъфар Фақиҳни қабул қилди.

Ислам оламининг маркази бўлган Саудия Арабистони Ўзбекистон аҳлига яхши маълум. Ўзбекистон бу давлат билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Айни пайтга қадар ўзаро муносабатларда бирор муаммо йўқлигини, аслича, ўзаро ҳамкорликни янада юқори даражага олиб чиқиш учун имкониятлар кўпчилигини алоҳида таъкидлаш жоиз, деди Президент Ислам Каримов суҳбат чоғида. Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида пошхоқиди делегациясининг юртимизга мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон «Еғмоштамакисаноат» уюшмаси билан Саудия Арабистонининг «Дорусалом групп» компанияси ўртасида эришилган келишувни келтириш мумкин. Ушбу келишувга мувофиқ, томонлар биргаликда қиймати 500 миллион АКШ долларига тенг лойиҳани амалга оширади.

Учрашувда Усама Жъфар Фақиҳ Ўзбекистонга сафари самарали кечаётганидан мамнуудан эришган эътибор, самимий қабул учун Президентга миннатдорчилик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА)
СУРАТДА: қабул пайти.
А. Тўраев олган сурат.

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ



бий ҳафта техноген хусусиятга эга вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

«Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Х.Тўшев депутатларга тақдим қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Наманган вилояти Поп тумани ҳўкимси З.Абдуллаев, Фарғона вилояти Фуқрат туманидаги «Фуқрат» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси М.Собиоров иштирок этди. Олий Мажлис «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Сунгра Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов суд ҳўжатлари ва бошқа органлар ҳўжатларини ижро этиш ҳақида суд ижрозчилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари ҳақида маъруза қилди. Парламент бу қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади.

Халқро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов депутатларга «Туризм тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Шу масала юзасидан Тошкент Давлат шарқшунослик институту

ректори Н.Иброҳимов, Урганч Давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Самарқанд вилояти Урганч туманининг Ҳамза номидаги агрофирмаси раиси Э.Отамуродов сўзга чиқди. Олий Мажлис «Туризм тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Сессия кўнрақнинг раҳбари М.Сайфитдинова депутатларга Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига келган хатлар, бошқа муносабатлар тўғрисида ахборот берди.

Депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили ўринбосарини сайлади. Марказий сайлов комиссияси аъзосини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлар ҳақида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайловини 1999 йил 5 декабрь, яқшанба куни ўтказишни белғилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январь, яқшанба кунига белғиланди.

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси шу билан ўн иштини якунилади.

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 20 августда ўз иштини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессия ишида иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.


Мулофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б.Наимов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда «Кураш» Халқ уюшмаси спорт ва халқаро алоқалар департаментининг директори Б.Юсупов, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳўкимси К.Нуниев, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Қўрғонтепа» жамоа ҳўжалиги раиси С.Исмоилов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. Юрбошимиз давлатимиз чегарасини янада мустақамлаш масалаларига баътафсил тўхталиб, товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги ўғитлари Ўзбекистон чегараси орқали қўшни давлатларга олиб ўтилиши устидан тартиб ва назорат ўрнатилиш зарурлигини таъкидлади. Парламент «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва

аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларга «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари С.Турдиқов, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти бош директори В.Кучеров, Тошкент шаҳридаги «Фон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров сўзга чиққанлар сўнг депутатлар бу Қонунни қабул қилди.

Мулофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б.Наимов депутатларга «Аҳолини ва ҳудудларни та-



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январь, яқшанба кунига тайинлансин.

2. Белғилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунда овоз бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов учун тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 19-моддаларига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайлови 1999 йил 5 декабрь, яқшанба кунига белғилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови бўйича битта сайлов округига сайловчилар нормаси ўртача 49,9 минг сайловчи ҳисобидан белғилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар учун умумий бўлган сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ тузилиши белғилансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

Сўз — сессия иштирокчиларига МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ ШАКЛЛАНМОҚДА

Азамат БОЛТАЕВ, 234-Шаҳрисабз сайлов округидан депутат:



тик давлатнинг пухта ҳўқуқий асоси яратилди.

— Мен ўзининг исми-шарифини тўғри ёза билган одам саволи, деб саналган пайтларни яхши эслайман. Ушанда утмиш буюб кўрсатилади, қадриятлар моҳити тескари талқин қилиниди. Қонунлар ягона партиа амалдорларига хизмат қилди. Ҳўқуқий ҳўжатлар тартибот-ташвиқот қилинмади.

Хўш, бугун-чи? Бугун ҳар бир қонун ўзининг йирик моддасидан тортиб, то кичик бандларигача халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, қабул қилинмоқда. Энг муҳими, ушбу ҳўқуқий ҳўжатлар мазмун-моҳиятида қонун ҳалқи ҳимоя қилувчи мустақам қўрғон, таянч деган маънига бор. Шунинг учун ҳам бугун қўриққининг олис қишлоқларидан олдий одамлар ҳам қонун ягона устувор кўч эканлигини ҳис этмоқда. Лойиҳалар муҳокамасида фаол иштирок этмоқда. Қонун олдига барчанинг — ол-

тин давлат сийасати даражасида улуг тутатидин минбарга айланди. Сизинг, бизинг, қўйиники барчамизнинг тақдир ва келажакимизни қабул қилинган қонунлари орқали келажакнинг ерур сапаларига муҳралиди. Бу борада тажриба тўпланди, ўзига хос мактаб яратилди. Бир гап билан айтганда, Парламент депутатларининг билим ва куч-гайратлари билан мамлакатимизда демократи-

Шакаржон ХўЖАНИЕЗОВА, 209-Богот сайлов округидан депутат:

сиз ўзгариш содир бўлди. Тафаккуримиз оидинлашди. Бийрон-бийрон сузлашди ўргандик. Замондошларимиз ўз тақдирини ўзлари белғилайдиган бўлмоқдалар. Таъбир жоиз бўлса, халқимиз бугун қайта туйлиди. Озолик бизга шундай катта сабаб берди.

Шу ўринда гапимизнинг исботи учун бир мулоҳазани айтиш жоизга ўшайди. Менинг минглаб сайловчиларим бор. Ҳар гап учрашганимизда улар олдинги замонлардагидек, газ-

лари билан ҳамкорликда ишончли то бўлди. Бошқача айтганда, ўзига хос кўприк ва-зифасини ўтати.

Мана, Олий Мажлисининг 15 та сессияси ҳам тарихда қолди. Тақдор бўлса-да, айтаман, ушбу сессиялар юртимиз таракқиёти йўлида беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Қўнрақ ишларга тамал тоши қўйилди. Бугунимиз ва эртангиимиз белғилаб берувчи юзлан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ва, бунда қўнрақ депутатлар катори менинг ҳам олдинги эҳтишим бўлган диндан фахрланаман. Бугун биз орттирган малака кейинги чақириқда депутатларга ҳам ақотлади, деб ўйлайман.

«Халқ сўзи» мухбири Ф. САНАЕВ тайёрлади.

Акс садо БАХТИМИЗ ЧОПГАНИ ШУКИ...

хикоят бўлган денг. Шунда оқоқлардан денг. Шунда «Эй, болан, тортиман. Сенинг бошини-га бахт қўши қўнибди. Бунинг катта маъносидан денг. Билсанми?», — деди ва саволига ўзи жавоб берди. — «Қайси юртда тинчлик бўлса, уша ерда дўхдон дон сочинб, ризқ-рўз ештирилади. Сенинг, бизнинг бахтимиз чопгани шуки, элимиз тинч. Бунинг устига, шундай одам сен билан ўзини тенг қўниб, тракторингда ёнма-ён ўтириб, оиланг, бола-чақанг ҳўлини сўриб тур. Қайси юртда шундай гапни эшитсан? Эй, унинг қадрини билган би-

имкон бўлса, Қонун меҳнатқашини ҳимоя қилса. Тўғри йўл билан миллион сум топсан ҳам, бирининг иши бўлмаса. Яна нима керак? Ношуд, ландаврғина нолийди, ҳолос. Мана, менинг 4 фазандиним бор. Тунининг Тўғри мактаб-ини битирди. Дилнора, Муҳабб қўнрақим мактабда ўқишди, Абдулла ўғлим боғчада. Хотиним Раъно Лукмонова Гагарин номи кўчаларидаги «Шоллик» болалар боғчасининг мудири. Рўзгоримизда ҳамма нарсаси бор. Машина, мол-ҳўл... Барини — меҳнатдан. Бу йил 1100 гектар майдондаги галлани

МУКОФОТГА — «НЕКСИЯ»

Сапарбой Бобоқонов ҳам, Отабой Ёқубов ҳам галлакор. Бирини Урганч туманидаги «Урганч» жамоа ҳўжалигида, иккинчисини Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида пудратчилар бригадасига етакчилиқ қилди. Улар бошлиқ жамоалар бу йил ҳар гектар ердан 60-70 центнердан ошириб галла ҳўсийди олишди.

Бу ютуқларни учун иккаласига ҳам мукофот тарихида «Нексия» автомашиналари калитлари тантанали равишда топширилди.

С. АБАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

яшайдиган, ишлайдиган замон келди. Меҳнатимиз қадр топаяпти.

Мана, мен ақинда «Дўстлик» ордени билан мукофотландим. Шу қабарни эшитган кунинг кўнрақидан ёш чиқиб кетди. «Нимага йнглайсан, тенгак», дейишди тенгқўнрақим. Хўрсанд бўлганимдан йнгладим. Ва ақд қилдимки, ула-ўлғунча шундай юртининг тулпуғини униб, одамларнинг хизматини қилдиман.

Тилатим шуки, мена набиб қилган бахт ҳаммага ҳам набиб этсин. Элимиз тинч бўлиб, тўнрақимиз янада қўнрақим. Тинчликни сақлаб, тўнрақимиз бошида турган улуг Инсон омон бўлсин.

ЖўРА МАЛЛАЕВ,
Қалқалардй вилояти, Қаманш туманидаги «Машин-трактор парки» давлат акционерлик жамияти ком-байнчиси.

УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон бошқа собиқ иттифоқ республикаларидан фарқли...

Истеъмол молларининг энг зарур турларини ўзимизда ишлаб...

Мустақиллик неъматлари

катта аҳамият берилмоқда. Чунки бу тармоқда ялпи ички маҳсу...

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мустақиллик йилларида юртимиз ташқи дунёдан тўлиқ ажра...

2-мақола

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ!

Сурхондарё пахтакорлари мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йилли...

туманидаги "Гулбахор" ва "Дўстлик", Жарқўрғон туманидаги "Украина", "Бўстон", "Оққўрғон", Тўхта Шобуров номли...


Ч. ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

«Оқ олтин - 99»

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши (фоиз ҳисобиди)



Структура сисъатининг асосий йўналишларидан бири сифатида...

Бу ўзгаришлар бой табиий, қишлоқ ҳўжалиги, меҳнат ресурсларидан...

Аҳоли зич жойлашган, қишлоқ ҳўжалиги хомашисига бой ҳўдудларда...

Масалан, инги қўрилган «Ангекс» акциядорлик жамиятига қарашли...

Ушбу мажмуа таркибига кирган тикув фабрикаси-Булоқбоши қишлоғида...

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЎЗАГИ

Миллий иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган қишлоқ...

жамият барқарорлигининг муҳим омилли ва валюта тушумларининг...

Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳўжалигининг собиқ марказ эҳтиёжларидан...

Мустақиллик йилларида бугдой етиштиришнинг ўсиши



Бу йўлни танланганимиз қисқа вақт ичида ўз натижасини берди. Қишлоқ...

Энг муҳими, бугунга келиб биз ўзимизни дон ва дон маҳсулотлари...

Ушбу мажмуа таркибига кирган тикув фабрикаси-Булоқбоши қишлоғида...

ҳаммага маълум. Бу албатта, четдан олиб келинаётган ва четта сотилаётган...

Ушбу вазиятни инобатда олиб, биз юқориди таъкидлаганимиздек, ички...

Агар 1991 йилда экспорт умумий ҳўжмида пахта толасининг улуғи...

Агар, истиқлолнинг дастлабки йилларида республикамиз импортида...

Бугунга келиб, нефть ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб...

Тўғри, ушбу йили ва шу йилнинг олти ойида экспорт ҳўжмининг...

Охириги йилларида жаҳон бозориди акаерият хомашй турларининг...

Хулоса қилиб айтганимиз бўлсак, ушбу мақолада мустақиллик йилларида...

Авазон СОДИҚОВ, иқтисодий шарҳловчи.

УМИДЛАР ИЖОБАТ БЎЛАДИ



ла парваришланди. Режадаги 3300 тонна ўрнига 4120 тонна галла олинди.

Қамаши туманидаги «Қорабоғ» агросаноат фирмасида барча турдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари...

Айни қўнарларда ҳўжалик пахтакорлари гўза қатор ораларига ишлов бермоқдалар.



СУРАТЛАРДА: пахта даласида иш қизғин; ҳўжалик етакчиси (ўндан) уста пахтакор Рашид Норбўгаев, ижарачи бригадир...

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясига қарашли

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» нефть ва газ конлари бошқармаси

барча ватандошларни Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйи муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади.

Мустақиллик айёми халқимизнинг энг азиз, энг муқаддас байрамидир. Зеро, Озодлик туғайли асрий армонларимиз ҳақиқатта айланди.

Биз озод юртимиз келажагига, бунёдкор халқимиз эртасига беҳад қаттиқ ишонамиз. Чунки, бизга бу ишонччи буюк тарихимиз, ижодкор бугунимиз бағишламоқда.

Азиз ватандошлар!

Ана шундай қутлуғ қўнарларда нуроний оталаримиз, мунис оналаримиз юртимизда тинчлик ва осойишталик мангу бўлишини Яратқандан сўрайдилар.

Азиз халқимизни, гўзал Ўзбекистонимизни гараз қўлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Халқимизнинг насибасини зиёда этсин!

Бетақрор юртимизнинг буюк келажагини кўрмоқ бахти барчамизга насиб қилсин!

Байрамингиз муборак бўлсин!



Мустиқлигимизнинг 8 йиллик байрами арафасида кўҳна ва навқирон Самарқандда «Шарқ тароналари» II халқаро мусиқа фестивали очилади. Ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари хусусида фестивалнинг Самарқанд шаҳридаги бўлими маъсул ходими Абсам АХРОРОВ мухбирига куйидагиларни сўзлаб берди:

ортиқ мамлакатлардан санъаткорлар келиши кутилмоқда. Бу эса фестивал нуфузи ошганлигидан далolat беради.

Иккинчи мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари июль ойида бошланган эди. Регистон майдонида бўлиб ўтadиган театрлаштирилган томошаларда 600 дан ортиқ киши қатнашди. Бутунги кунда улар таниқли режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев бошчилигида пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. У «Бу ажиб дунё» деб аталади.

рининг концертлари асосан, Регистон майдонидаги Яшил театр, марказий маданият ва истироҳат боғидаги «Муъжиза» амфитеатри мажмуаси, Ҳамза номли ёзи театр, Х. Олимжон номли театр майдони, Темирийўл туманидаги «Ёшлик» боғи ва «Сўғдиёна» турар жой даҳасидаги сахналарда ўтади. Бу жойларда ҳам тайёргарлик жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шу мақсад учун вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, ҳомийлар



БАЙРАМ МУШОИРАЛАРИ

Тошкент вилояти Окдўргон тумани «Қаҳрамон» хўжалигида «Қувонч ўткичи, мустиқлик абадий» деб номланган байрам мушоираси ўтказилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Ҳалима Худойбердиева, Зулфия Мўминова, Маҳмуд Топиров, шунингдек, вилоятда янаб ижод қилаётган шoirлар оив-Ватап, Истиқлол, Бунёкор халқимизни улуғловчи шеърларидан ўқиб бердилар. Санъаткорларнинг шўх қуй ва кўниклари мушоираларга ўзгача ғайз бағишлади.

Бука туманидаги «Ачамайли» Уртағирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли хўжаликларда ҳам ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎСАЛ ҚИЛДИ МЕҲМОН... МЕЗБОННИ

Хоразм вилоятининг Шовот тумани ички ишлар бўлими Давлат автомобиль назорати ходимлари шу тумандаги Маҳтумқули номли жамоа хўжалигида яшовчи Ёшчонов бошқарувидаги ВА3-2001 русумли енгил автомашинасини тўхтаб текширишганда, ундаги йўловчи, Туркменистон Республикаси фуқароси, 1956 йилда туғилган Абдулла Жуманазаровнинг сумкасида 14 кг. 621 грамм қора дори пилёванд моддаси топилди. Сумкадаги маҳсулот меzbонни ҳам меҳмон билан бирга тергов ҳибсхонасига суудради.

Ҳозирда ушбу жиноий иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ОҚШОМДА ОТ МИНГАН КИМ?

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани ИИБ ходимларига кўмаклашадиган «Маҳалла посбонлари» аъзолари ибратли фаолият кўрсатмоқдалар.

Туман ИИБ участка вакили, милиция капитани Баҳром Муҳаммадов ва маҳалла посбони Ғайрат Қаюмовлар томонидан кечаси от миниб кетаётган шахс текшириб қўрилганда, у 1978 йилда Жиззах туманида туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Зафар исмли шахс эканлиги аниқланди. Зафар Улугбек номли ширкат хўжалигида яшовчи 2- гуруҳ ногирони Абдували Маматқуловга тегишли отни ўғирлаб кетаётган экан.

Шухрат РҰЗИЕВ.

САМАРҚАНД МЕҲМОНЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

— Илк бор 1997 йилда ўтказилган мазкур анжуман жаҳон халқларининг эътиборини тортди. ЮНЕСКО ва дунёнинг бошқа кўплаб халқаро мусиқа ташкилотлари томонидан тан олинди.

Қолаверса, у халқимизнинг санъатга ихлоси қанчалик баланд эканлигини, кўҳна Шарқ мусиқа дурдоналарини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилди.

Шаҳримизнинг юраги ҳисобланмиш Регистон майдони ва бошқа томошагоҳларда бўлиб ўтган фестивал таассуротлари, байрамнинг ўзига хос руҳи, шукуҳи қуй ва қўшиқ шинавандаларининг дилларини ҳалигача тарқ этгани йўқ.

Мана, ордан икки йил ўтгач, дунё санъат аҳлининг кўзга кўринган юлдузлари ўз маҳоратларини намойиш этиш учун яна Самарқандга интилишмоқда. Ишонманки, бу галли фестивалда ҳам улар муҳлислар қалбини ром этади. Биринчи фестивалда 32 та давлатдан вакиллар иштирок этган бўлса, бу йил 40 дан

Бундан ташқари, бир ой олдин акустика (товушунослик) соҳасида ишлайдиган япониялик энг кучли мутахассислар Регистон майдонининг улчовларини олиб кетишган эди. Асосий мақсад ҳар биримиз учун муқаддас қадимжо бўлган обидаларга шикаст етказмаслик ва «Шарқ тароналари» фестивалида тараладиган мусиқаларни томошабинга қандай бўлса шундайлигича етказиб беришдан иборат. Биламизки, товуш нотўғри йўналтирилса, бинаоларга шикаст етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам овоз кучайтиригич ускуналарини қайси йўналиш бўйлаб қўйиш мутахассисларнинг ҳулосаларига кўра амалда оширилипти. Шу билан бирга, фестивалнинг техник жиҳатдан юқори савияда ўтишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари яшайдиган «Афросиёб», «Самарқанд» ва «Зарафшон» меҳмонхоналари қайта таъмирланиб, янги жиҳозлар ўрнатилмоқда. «Зарафшон» меҳмонхонаси мажмуига кирувчи янги спорт-соғломлаштириш мажмуи барпо этилмоқда. Уни фестивал арафасида ишта тушириш режалаштирилган.

Шаҳарнинг марказий кўча ва майдонларини ободонлаштириш, бинаоларни беаза ишлари ҳам эътиборда. Фестиваль кунларига қадар Амир Темур, Воҳид Абдуллаев, «Тошкент», «Регистон», Мирзо Улугбек, Шароф Рашидов кўчалари ва «Университет» хиёбони бутунлай янгича манзара касб этади.

Фестиваль иштирокчилари

меҳмонларни қабул қилиб олиш ҳамда уларни жўнатишга тайёрлаш, уларга намунали транспорт хизмати кўрсатиш учун қатор тадбирлар белгиланган. Жумладан, «СамКочавто» корхонасида ишлаб чиқарилган 20 та юмшоқ ўриндиқли автобус фестивал рамзи билан безатилади.

Ижрочи дирекцияга эса қулай иш шароити яратиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги биносидан хоналар ажратилди. Хоналар телефон, факс, компьютер билан таъминланди.

Шаҳар кўчаларини ёритиш, иллюминациялар ўрнатиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Кўшимча равишда 10000 метр иллюминация чироқлари ўрнатилиши мўлжалланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, санъатсевар Ўзбекистон халқи ва бутун жаҳон мусиқа шайдолари интиқиб кутаётган бу галли анжумани ҳам жуда юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилаёмиз.

«Жалқ сўзи» мухбири Фарҳод Усмонов эътибор олди.

ЎҚИТУВЧИЛАР АНЪАНАВИЙ КЕНГАШИ

Навоийда ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда Таълим тўғрисидаги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурий амалга ошириш борасида олиб борилган ишлар таҳлил этилди, ўқувтарбия ишларини янада такомиллаштириш вазифалари белгиланди. Янги дастур ва дарсликлардан самарали фойдаланиш ва шу асосда ўқувчиларни мустиқлик фикрлашга ўргатиш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

республикамиз галла мустиқлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида истиқболли технологияларни жорий этишни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, галла ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатадиган занг, қорақуя ва барг долганиши касалликлари муаммоларини ҳал этувчи усул ва технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЛОЙИҲАЛАРИ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловни ўтказиш, аризалар бериш ва расмийлаштиришнинг асосий қондалари билан Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ, вилоятлар ҳокимликлари ҳузурдаги Фан ва техника марказлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги ва унинг қошидаги қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказида танишиш мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар юқорида келтирилган масалалардан муайян бирини ҳал қилишга йўналтирилган ва кўпи билан 2 йилда натижа олиниши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун аризалар ЎзР ФТДҚда 1999 йилнинг 23 августидан 13 сентябргача, яқшанбадан ташқари ҳар кунни, соат 14.00 дан 18.00 гача (шанба кўни соат 10.00 дан 14.00 гача) ёки почта жўнатмаси билан (700017, Тошкент ш., Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29-уй) қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 139-18-20, 139-18-56, 139-14-67.

Ҳаётимиз чинорлари

ЎЗУВЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛУВЧИ

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПУЛАТДАН ТАЙЕРЛАНГАН ПИЧОҚЛАР ИШЛАТИЛИШИ УНҒАЙ

Чидамли ва ишончли

ASIAN TECHNICAL COMPANY "TURON"
Манзил: Тошкент ш., Абай кўч., 4-а уй, 109 офис.
Тел./факс: 144-55-12, 144-59-55.
Кичик машиналар бўлими: 40-31-82.

intimus®
GERMANY

БУ МАЪЛУМОТЛАР ФАҚАТ СИЗ УЧУН!

Ҳужжатларни қиймалаш намуналари:

0,8x12 мм 3,8 мм
3,8x40 мм 9x15 мм

Жаҳон андозалари даражасидаги иш юритиш

Ўқув йул-йуриқ Кафолат

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БОР

ГЕПАТИТ ВА ВИРУС КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЯНГИ АНТИҚА ВОСИТА

АМИКСИН® препаратининг 10 таблеткаси Сизни гепатит ва бошқа вирус касалликларидан даволайди

АМИКСИН®

ГЕПАТИТ УРОГЕНИТАЛ ХЛАМИДИОЗ ГЕРПЕТИК ИНФЕКЦИЯ ОРВИ ва ГРИПП ТАРҚАЛГАН СКЛЕРОЗ

АМИКСИН ҳақида маълумотни «АФСОНАК-63»ХФдан олишингиз мумкин.
Ўзбекистон, Тошкент ш., Лутфий кўч., 94. Тел.: (99871) 173-05-22, 173-05-44

АМИКСИН® препарат 125 мг. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан
Б-250-95 № 13298 рақами билан 17.07.98 йилда рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўнига бағишлаб

ПГСД **UZPAK**

Интернет хизматларига тўловларнинг нархи сезиларли даражада арзонлаштирилганлигини **МАЪЛУМ** қилади.

30 августдан - 30 сентябргача Соатига бор-йўғи 3 \$ га
(ЎзР МБ курси бўйича)

Интернет дунёси ҳаётингизга қиради.

Уланиш бепул

Бизнинг телефонлар: 144-82-88, 144-82-87.

Тошкент ва вилоятлар марказлари бўйича **Бу ҳақиқат!!!**

«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
М. ЕГОРОВ
(маъсул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
С. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. САФХОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0640, 23709 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамил ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **А. МАДАТОВ.**
Навбатчи — **А. ЖҲРАЕВ.**
Мусаххих — **А. ЭШҚУЛОВ.**

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00
топирилади — 22.10
1 2 3 4 5 6